

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани  
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб  
қувватлаш бўлими бошлиғи



\_\_\_\_\_ О.Қодиров

## БУЮРТМАЧИ Техник топшириғи

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб  
қувватлаш бўлими -2022й.

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими Қолгандарё МФЙ ҳудудида болалар майдончасини қуриш
- 1.2. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.3. Тузилган шартноманинг амал қилиш муддати имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр куни охригача.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Наманган вилояти Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани Ойбек МФЙ 2-уй
- 2.2. Танлов Мингбулоқ тумани Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда қурилиш таъмирлаш ишларини бажарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми; Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
- 3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати**

1. Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат
2. Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот.
3. Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари.
4. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.
5. Мазкур соҳада бажарилган ишлар буйича камида 3 йиллик иш тажрибаси туғрисида маълумот.
6. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари туғрисида маълумот
7. Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги туғрисидаги маълумот
8. Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги
9. Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси

## Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Талаб этиладиган кўрсаткичлар номи	Энг юкори балл	% ҳисобида
1	Қурилиш ишларининг қисқа муддатларда бажарилиши бўйича кафолат.	15	90%
2	Танлов иштирокчиси бўйича умумий маълумот.	10	
3	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, литцензия, хизмат кўрсатиш учун рухсат этувчи ҳужжатлар нусхалари.	10	
4	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар тўғрисида маълумот.	10	
5	Охириги 3 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар бўйича орттирилган тажрибаси	15	
6	Мутахасисларнинг амалий иш тажрибаси ва ўртача иш стажи	5	
7	Қурилиш ва таъмирлаш майдони билан тағнишганлиги тўғрисида маълумот.	10	
8	Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.	10	
9	Танлов иштирокчисининг йиллик молиявий натижаси.	5	
10	Ишларнинг бажариш бўйича берилган нархлар таклифи	10	



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:  
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana: 14-06-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 46874**

**Obyekt nomi** «Namangan viloyati Mingbuloq tumani Qolgandaryo MFY hududida sport majmuasi qurish»

**Buyurtmachi** - Mingbuloq tumani Mahalla va oilani qo'llab-quvvatlash bo'limi

**Bosh loyihachi** - "NAMANGANARHITEKTQURILISHLOYIHA" MCHJ

**Litsenziya** AL-000939 21.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Budget

**Bosh pudratchi** - Tanlov asosida

**Qurilish turi** Yangi qurilish

**Murojaat raqami:** № 44686

**1. Loyihalash uchun asos**

- 1.1. Xalq deputatlari Mingbuloq tumani kengashining 22.04.2022 yildagi VI-47-35-6-81-K/22-sonli qarori.
- 1.2. Mingbuloq tumani hokimining 29.04.2022 yildagi 172-6-81-Q/22-sonli qarori.
- 1.3. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyiha topshirig'i.
- 1.4. Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 20.05.2022 yildagi 1714-1714204-42703-sonli arxitektura rejalashtirish topshirig'i.
- 1.5. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 16.05.2022 yildagi 309460-sonli shartnoma.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. "Ishchi loyiha"ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvi.
- Bosh reja va ishchi chizmalar.
- Smeta hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

**3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.**

Loyihalanayotgan sport majmuasi Mingbuloq tumani "Qolgandaryo" MFYda joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiy sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo harorati - 14°s.

Me'yoriy qor yuklamasi – 0,50 kPa va shamol yuklamasi – 0,38 kPa. Yerni tuzilish reliefi – tekis.

### **3.2. Bosh reja.**

“Qolgandaryo” MFYdagi sport majmuasi uchun ajratilgan hududda joylashgan: loyihalananayotgan futbol maydoni, tennis maydoni, “Workout” maydoni, “Streetboll” maydoni, kichik me'moriy inshootlar. Hudud obodonlashtiriladi.

### **3.3. Loyihaning asosiy yechimlari.**

#### 1. Futbol maydoni.

Futbol maydoni – sun'iy qoplamadan, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, o'lchami 24,0mx42,0m. Perimetr bo'ylab balandligi 6,0 metr bo'lgan metall setkadan qo'rg'on devor qurish ko'zda tutilgan.

#### 2. “Streetboll” maydoni.

“Streetboll” maydoni – maxsus rezina qoplamadan, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, o'lchami 16,0mx17,0m. Perimetr bo'ylab balandligi 4,0 metr bo'lgan metall setkadan qo'rg'on devor qurish ko'zda tutilgan.

#### 3. Tennis maydoni.

Tennis maydoni – maxsus qizil qum qoplamadan, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, o'lchami 12,0mx24,0m.

#### 4. “Workout” maydoni.

“Workout” maydoni – maxsus qizil qum qoplamadan, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, o'lchami 12,0mx17,0m. Maydonga zavodda ishlab chiqarilgan tayyor jixozlar qo'llanilgan.

#### 5. Obodonlashtirish.

Loyihada jami 575 m<sup>2</sup> maydonni sementobeton qoplama bilan qoplash loyihalangan.

#### 6. Kichik me'moriy inshootlar (o'rindiqlik – 8 dona, chiqindi qutisi – 3 dona).

Zavodda ishlab chiqarilgan tayyor jixozlar qo'llanilgan.

### **4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- Bosh reja Mingbuloq tumani Qurilish bo'limi bilan kelishilgan.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

6.1.1. Qizil chiziq chizmasi – taqdim etildi.

6.1.2. “Workout” maydoni ishchi chizmasi – taqdim etildi.

6.1.3. Futbol maydoni tashqi qo'rg'on devor uchun metall panjaralar hisobi – taqdim etildi, bog'lanish tugunlari – ko'rsatildi va korroziyaga qarshi choralari – berildi.

6.1.4. Futbol maydoni chizmada yog'ingarchilik suvlarini olib chiqib ketish chora tadbirlari (drenaj) – ko'zda tutildi.

6.2. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan 579046,583 ming so'm miqdorida taqdim etilgan loyiha qiymati 35048,850 ming so'mga kamaytirilib, **543997,733 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	440397,751	ming so'm
Asbob-uskunalar:	32643,756	ming so'm
QQS:	70956,226	ming so'm
- Bundan tashqari		
Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	20995,000	ming so'm

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchiligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

## **7. Xulosalar.**

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan viloyati Mingbuloq tumani Qolgandaryo MFY hududida sport majmuasi qurish" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

**Bosh mutaxassis:** Abdunazarov Nemadjon Abdurazakovich